

O'ZBEKISTON



IJTIMOIIY-
SIYOSIIY
GAZETA

OVOZI

2002 YIL
7 SENTABR
SHANBA
№ 114 (26.973)
1918 yil
21 Iyundan
chiqqa boshlagan.

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTI ISLON KARIMOVNING QOZOG'ISTONGA RASMIY TASHRIFIGA DOI'R

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоевнинг таклифига биноан шу йил 9 сентябрь куни расмий ташриф билан Қозоғистонда меҳмон бўлади.
Ташриф чоғида Ўзбекистон — Қозоғистон муносабатларининг бугунги аҳоли ва истиқболларига оид ҳамда томонларни қизиқтирган бошқа масалалар муҳокама этилиши, шунингдек, қатор муҳим икки томонлама ҳужжатлар имзоланиши режалаштирилмоқда.

ШАҲРИСАБЗ: ТЎЙГА ТАРАДДУД ҚИЗГИН

Вазирлар Маҳкамасининг «Шаҳрисабз шаҳрининг 2700 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш тўғрисида»ги қарори эълон қилинганидан буён ўтган салкам олти ойлик давр мобайнида ушбу тарихий шаҳарда катта бунёдкорлик ишлари амалга оширилди.

Хусусан, миллий меъмориликнинг юксак намунаси сифатида ўзининг беқиёс маҳобати, нафис шарқона безаклари, мангуликка дахлдор жиҳатлари билан асрлар мобайнида бутун дунёни ҳайратга солиб келаятган Оқсарой ёдгорлиги, Доругилловат, Доруссаодат мажмуалари, Чубин мадрасасида кенг қўламли таъмирлаш ва тиклаш ишлари бажарилди.

Шаҳар юбилейига тайёргарлик муносабати билан кўча ва хиёбонларда, маҳаллаларда бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари ҳам қизгин тус олган. Ўтган даврда бу ерда қарий 2 миллиард сўмлик қурилиш-монтаж ва таъмирлаш ишлари амалга оширилган бўлса, шу маблагнинг тахминан ярми тарихий обидаларни таъмирлаш ва тиклаш, қолган қисми эса бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишларига сарфланган.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари К.Тўлаганов раҳбарлигидаги Шаҳрисабз шаҳрининг 2700 йиллигига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш республика ташкилий қўмитасининг мазкур шаҳарда бўлиб ўтган навбатдаги йиғилишида шу ҳақда сўз борди. Унда шаҳарда амалга оширилаётган қурилиш, таъмирлаш, ободончилик ва ташкилий ишларнинг бажарилиши билан боғлиқ масалалар батафсил таҳлил этилди. Мавжуд муаммо ва камчиликларни тезда бартараф этиш юзасидан мутасадди раҳбарларга тегишли кўрсатмалар берилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Х.Кароматов, Қашқадарё вилояти ҳокими Б.Ҳамидов иштирок этди.

■ (ЎзА)

АЧЧИК, АММО ОЧИК ГАПЛАР

КИТОБГА ҲАВАС СУСАЙДИМИ?

ЎКИ ТЕРМИЗ ТУМАНИДАГИ КУТУБХОНАЛАРНИНГ АЧИНАРЛИ АҲВОЛИ ХУСУСИДА

Китоб — кўнгли чироғи. Китоб инсоннинг ҳаёт йўлида ҳамдам, ҳамроҳ бўладиган, саволларига жавоб берадиган, зғуликка ундайдиган бебаҳо маънавий неъматдир. Китоблар, кутубхоналар ва китоб дўконлари ҳақида матбуотда яна фикр-мулоҳазалар билдириляётгани, бу соҳаларга эътибор кучаяётгани кишини қувонтиради, албатта.

Хўш, бахшлар, шоиру ёзувчилар юрти Сурхондарёда аҳвол қандай?

Шеробод ва Шўрчи туманлари маданият ишлари бўлими бу борада анча яхши ишларни амалга оширмоқда. Вилоят маданият ишлари бошқармаси раҳбари Абдурасул Иброҳимовнинг ташаббуси билан туманларда семинарлар, китобхоналар учрашувлари ва бошқа турли тадбирлар ўтказилмоқда. Натияжада китобхоналар сони сезиларли даражада

ошиб бормоқда. Афсуски, айрим туманларда бу соҳага деярли эътибор берилмаётир. Бунинг термиз тумани кутубхоналари мисолида ҳам кўриш мумкин.

...Туман маданият ишлари бўлими мудири Абдусалом Аҳмедов билан учраша олмадик. Иш юритувчи (штатда эса кутубхонанинг бўлим мудири) Тозагул Эгамбердиева: «Бошчилигимиз ҳозир келиб қоладилар. Сизнинг излаб юганингизни айтдим», — деди. Яна кутдик. Мудир келмади. Майли, иши кўпдир-да.

Туман марказий кутубхонаси китобхоналарга хизмат кўрсатиш бўлимининг мудири Меҳри Мамедова билан биргаликда ҳўжалиқлардаги тармоқ кутубхоналарини кўздан кечирдик.

■ (Давоми 2-бетда)

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING FARMONI JISMONIIY SHAHSLARNING JAMI DAROMADINI DEKLARACIYALASH TIZIMINI BOSQICHMA-BOSQICH JORIY ETISH CHORA-TADBIRLARI TUG'RISIDA

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси 1997 йил 24 апрелда қабул қилган «Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексини амалга киритиш тартиби тўғрисида»ги 397-1-сонли қарорга ўзгартириш киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2001 йил 7 декабрдаги 321-II-сонли қарорига мувофиқ ҳамда жисмоний шахсларнинг жами даромадини декларациялаш тизimini республикада босқичма-босқич жорий этишни таъминлаш мақсадида:

1. 2002-2005 йиллардаги даврда Ўзбекистон Республикасида жисмоний шахсларнинг жами даромадини декларациялашнинг халқаро меъёрларга мос келадиган тизimini босқичма-босқич жорий этиш юзасидан тайёргарлик чора-тадбирлари мажмуини амалга ошириш мақсада мувофиқ деб топилсин.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Молия вазирлиги бир ой муддатда жисмоний шахсларнинг жами даромадини декларациялаш тизimini босқичма-босқич жорий этишни таъминлайдиган 2002-2005 йилларга мўлжалланган чора-тадбирларнинг аниқ дастури ва жадалини 2003 йил 1 январидан бошлаб олинган даромадлар бўйича ишлаб чиқсин ҳамда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тегишли вазирликлар, идоралар, жамоат ташкилотлари, чет эл иқтисодий тузилмалари ва экспертларини жалб этган ҳолда икки ой муддатда «Жисмоний шахсларнинг жами йиллик даромадини декларациялаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳасини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига киритсин.

3. Қуйидагилар белгилансин: жами даромадди декларациялаш механизминини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш чоғида фуқароларнинг

конституциявий ва мулкий ҳуқуқлари бузилишига, уларнинг даромадлари ва мол-мулки миқдорлари тўғрисидаги маълумотлар ошкор этилишига, фуқароларнинг шахсий турмушига аралашилга ҳамда бошқа суиистеъмолчиликлар ва ҳуқуқбузарликларга қатыян йўл қўйилмайди;

жисмоний шахсларнинг даромадлари ва мол-мулки билан боғлиқ ахборот ҳамда ҳужжатлардан фойдаланиш тартибини бузишга йўл қўйган мансабдор шахслар жавобгарликка, ҳатто жиноий жавобгарликка ҳам тортиладилар.

4. Амалдаги қонунчиликка мувофиқ, ҳозирги вақтда жисмоний шахслар асосий иш жойидан ташқарида олаётган даромадлар, шунингдек жисмоний шахс томонидан уни яққа тартибдаги тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтказмаган ҳолда бир маротабалик операциялар (савдо, иш, хизматлар)ни амалга оширишдан оладиган даромадлари декларация қилиниши лозимлиги маълумот учун қабул қилинсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасига жисмоний шахсларнинг жами даромадини декларациялаш тизimini жорий этилгунга қадар фуқароларнинг даромадларини ихтиёрий равишда декларациялаш тизimini пухталаштириш бўйича танлаб олиш йўли билан тажриба тариқасида иш олиб бориш ҳуқуқи белрилсин.

■ (Давоми 2-бетда)

ЯНГИЧА МУНОСАБАТЛАР РИВОЖИ ДАВОМИЙДИР



Бир неча кундан буён Япония молия вазирининг катта ўринбосари Такаёши Танигучи раҳбарлигидаги делегация мамлакатимизда меҳмон бўлиб турибди. Таъкидламоқ керакки, Кунчиқар мамлакат ҳукуматида Молия вазирлиги ўта муҳим ўрин тутди. Молия, банк, божхона, солиқ, сугурта тизимларида доир миллий ва халқаро миқёсдаги масалалар шу вазирлик томонидан мувофиқлаштирилади. У мамлакат бюджетини тайёрлаб, ижросини таъминлайди.

Мазкур делегация Ўзбекистоннинг қатор вазирлик ва

идораларида музокаралар ўтказди. Жумладан, ташриф давомиди икки мамлакат молия вазирликлари ҳамда ЕТБ ўртасида Япония ҳукумати томонидан «Асака» банкни хусусийлаштиришга кўмаклашиш мақсадида грант ажратилиши тўғрисидаги баёнот имзоланди. 6 сентябрь куни аса Оқсаройда меҳмонларни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов қабул қилди.

— Сизни нафақат Молия вазирлиги раҳбариятининг аъзоси, балки Япония парламентида муҳим қарорлар қабул қилишда нуфузли ўрин тутадиган депутат сифатида ҳам

эъозлаيمиз, — деди Ислон Каримов учрашувда. — Ташрифингизга эса янгича муносабатларимиз ривожининг давомийлигини тасдиқловчи воқеа деб қараймиз. Икки томонлама алоқаларнинг ҳозирги даражасини юксак қадрлаймиз.

Дарҳақиқат, мамлакатимиз раҳбарининг июль ойи охирида Японияга буюрган расмий ташрифи 11 сентябрь воқеаларидан кейин шундоқ ҳам янада юксалиш йўлини тутган ўзаро муносабатларимизни янги поғонага олиб чиқди. Ушбу ташриф асосида жами 14 ҳужжат имзоланди. Оқсаройдаги

муваффақиятли кечган бу муҳим ташриф ҳар томонлама алоқаларимизга бундан буён ҳам катта куч ва юқори суръат бағишлаб бериши таъкидланди.

Меҳмон икки мамлакатнинг айниқса иқтисодий ҳамкорлиги жадал ривожланаётганидан мамнуният изҳор этиб, Япония томони Ўзбекистон билан келгусида ҳам барча соҳалардаги алоқаларни янада кенгайтиришга тайёр эканлигини таъкидлади. Учрашувда ҳам шу мавзуга оид масалалар юзасидан фикр алмашилди.

■ (ЎзА)

«ЖИСМОНИЙ SHAHSLARNING JAMI DAROMADINI DEKLARACIYALASH TIZIMINI BOSQICHMA-BOSQICH JORIY ETISH CHORA-TADBIRLARI TUG'RISIDA» ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING FARMONIGA

ШАРҲ

Бозор иқтисодиёти ва тадбиркорлик фаолияти эркинлиги таъминлари амал қилаётган барча иқтисодий тараққий этган мамлакатларда фуқаролар томонидан ўз даромадларини мажбурий декларациялаш амалиёти кенг қўлланилади. Даромадлар тўғрисидаги декларацияни тўлдирish фуқаролар томонидан солиқлар тўлаш чоғида, шунингдек уй, ер майдонлари ва қўчмас мулк, қимматбаҳо қоғозлар ҳамда бошқа қимматли буюмларни харид қилиш билан боғлиқ йирик молиявий битимларни амалга оширишда қатъий шарт ҳисобланади. Хуллас, фуқаролар даромадларининг манбалари ош-

коралиги, қонунийлигини тасдиқлаш зарур бўлган жойда декларация талаб қилинади.

Хорижий мамлакатларда мавжуд бўлган декларациялаш тизимининг асосий шарт, бир томондан, ўз даромадлари ва уларнинг манбалари тўғрисида одамларнинг ўзлари ихтиёрий равишда маълумот беришлари-дир. Иккинчи томондан, декларация, мол-мулк харид қилишга сарфланган пул маблағларининг манбалари тўғрисидаги маълумотларни тақдим этмаслик учун, ўз даромадларини атайин қамайтириб кўрсатганилиги ёки

уларни яширганлиги учун иқтисодий жазо ва жарималарнинг қонун йўли билан мустаҳкамланган, ҳатто жиноий жавобгарликка тортишгача бўлган кучли тизими мавжуддир.

Фуқароларнинг даромадларини декларациялаш яширин иқтисодиётга, пул маблағларининг ноқонуний айланишига, коррупция ва порахўрликка ҳамда иқтисодиёт соҳасидаги бошқа жиноятларга қарши курашда таъсирчан воситалардан бири ҳисобланади.

Шуни таассуф билан эътироф этиш керакки, бизда коррупция

ва гайриқонуний даромадларга, савдо-воситачилик фаолияти натижасида тушадиган нақд пуллари яширишга қарши қатъий кураш олиб бориш зарурлиги тўғрисида қўл гапирилди-ю, аммо айни вақтда жаҳон амалиётида ҳамма томонидан қабул қилинган механизмин жорий этиш бўйича аниқ-равшан чоралар кўрилмаётти. Бундай механизм порахўрлик пайини қирқиб, яширин иқтисодиёт учун замин яратаятган, банкдан ташқари пул айланишини таъминлаётган барча манбалари тугатишга ёрдам берган бўлур эди.

■ (Давоми 2-бетда)

ТОШКЕНТ: КЕЧА ВА БУГУН



Бугун «Жар» спот мажмуаси энг замонавий спорт қошоаларидан бири ҳисобланади. Бу ерда юзлаб болалар ва ўсмирлар ўз маҳоратларини оширишмоқда. Спорт заллари, футбол майдонлари, сузиш бассейнида машқлар, мусобақалар қизгин бормоқда. Спортнинг каратэ, бокс, кураш турлари бўйича йирик турнирлар ўтказилмоқда.

Бундан ўн йилча илгари бу ер кўнглини гаш қиладиган жарликдан иборат ташландиқ жой эди(чапдаги сурат).



■ Шавкат АҚРАМОВ олган суратлар

ИҚТИСОДИЁТ ВА ИСЛОХОТ

САРМОЯ – ТАРАҚҚИЁТ

КАЛИТИ,

ДЕЙДИ РЕСПУБЛИКА «ЁҒМОЙТАМАКИСА-НОАТ» УЮШМАСИ РАИСИ, ОЛИЙ МАЖЛИС ДЕПУТАТИ МУҲАММАДЖОН ХУДОЁРОВ

Дарвоқе, иқтисодийимиз ривожда хорижий сармояларни жалб этиш ва улардан самарали фойдаланиш ишлаб чиқариш тараққиётида бамисли калит. Буни Президентимизнинг шу йил Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида қилган 2002 йилнинг биринчи яри йиллигида Ўзбекистон иқтисодий ривожлантириш юзасидан устувор вазифалар ва топшириқларнинг бажарилиши ҳамда долзарб муаммоларнинг ҳал этилиши тўғрисидаги маърузасида келтирилган мана бу рақамлар салмоқидан ҳам билса бўлади. «Бугунги кунда мамлакатимиз умумий қиймати 3,6 миллиард долларлик 109 та устувор инвестицион лойиҳа, жумладан, 725 миллион долларлик 38 та тўғридан-тўғри хорижий инвестиция жалб этилган лойиҳа амалга оширилмоқда.

Агар 2001 йили 824 миллион долларлик, жумладан, 108 миллион долларлик тўғридан-тўғри жалб этилган инвестиция ўзлаштирилган бўлса, жорий 2002 йилда 905 миллион, жумладан 183 миллион долларлик тўғридан-тўғри жалб этилган инвестиция ўзлаштирилиши кўзда тутилмоқда...

«Ёғмойтамакисаноат» уюшмаси раиси Муҳаммаджон Бердибоевич билан бўлган сўхбатимиз уюшмада бу борада амалга оширилган иш жараёнлари, ишлаб чиқариш кўрсаткичлари ва пировардда, истиқлол йиллари эришилган ютуқлар борада бўлди.

— Саноатда ишлаб чиқаришнинг техник даражаси 80-йилларнинг охирида замона талабларига жавоб бермас эди, — сўз бошлади у. — Мустақиллик шарофати билан республикамизнинг дунё бозорига қадам қўйиши саноатимизда

ишлаб чиқаришни қисқа муддатларда қайта таъмирлашга йул очди ва биз дунё бозорига рақобатбардор ёғ-мой маҳсулотини ишлаб чиқариш, саноатнинг экспорт базасини яратиш, маҳсулот асортиментини кўпайтириш, импорт ўрнини босадиган маҳсулотлар иш-

лаб чиқариш учун технологик жараёнларнинг техник даражасини юқори босқичга кўтаришни олдимизга мақсад қилиб қўйдик.

Охириги ўн йилликда янги маҳсулот ишлаб чиқаришни яратиш, борларини кенгайтириш билан бирга корхоналарни узлуксиз ишлатган ҳолда — ишлаш муддати тугаган, механик эскирган асбоб-ускуналарни замонавийсига алмаштириб бордик, янги технологияларни жорий қилдик. Доимий хорижий ҳамкоримиз — Германиянинг «Кимбриа-СКЕТ» фирмасидан «Г-24», «ЕП» пресслоч агрегатлар, «НД-1250 М» экстракторларнинг янги модификациялари, тостерлар, дистилляция қилувчи ускуналар керакли микродора сотиб олиниб, корхоналарга ўрнатилди.

Уюшма корхоналарини қайта таъмирлаш ҳамда техник даражасини кўтариш ишлари 1997-2000 йилларда тармоқнинг шахсий маблағи ҳисобига амалга оширилди ва 2950 миллион сўм сарфланди. Худди шундай ишларнинг

сида активлаштирилган сорбент тарзида ишлаб чиқарилиши йўлга қўйди. «Урган ёғ» ҳиссадорлик жамиятида пахта ёғини тозалаш ва оқлашда ҳосил бўладиган чиқинди — соапстокдан олинган ва пальметин кислоталари (валютага сотиб олинган «омаш»)ни ажратиб олишга эришдик. Бу — совун ишлаб чиқаришда ишлатилмоқда. Дистилляция цехларининг чиқиндиси — гудрони кўриш ускуналари ҳам ишга туширилди ва «Буrowsой реагент» олинди. У тоғ металлургияси, нефть казиб олишда ишлатилди. Соапстокдан олинган тозаланмаган олин кислотасидан резина-техника саноатида фойдаланилмоқда.

Чет элдан келтирилишини камайтириш ва ички бозорни тўлдирish учун «Акил Интернет» кўшма корхонасининг қайта таъмирланиши тугагандан кейин атир совун ишлаб чиқариш қуввати йилга 1 минг тоннага етди. Хозирнинг ўзидаёқ корхона 60-75 граммлик «Лайф», «Наврўз», «Мерве» сингари харидорлар атир совунлар ишлаб чиқариши йўлга қўйди.

— Сиз ҳозир санаб ўтган импорт ўрнини босадиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш, яъни атир совун, олеин ва пальметин кислотаси, олиф мойи, «Буrowsой реагент» каби маҳсулотларнинг аҳамияти ҳақида гапириб берсангиз...

— Уларнинг аҳамияти шундаки, мамлакатимизда локализация — маҳаллийлаштирилган объектлар кўпаймоқда. Маса-

лан, шифобахш гиёҳлар шарбатидан тайёрланган «Ибн-Сино» бальзамы «Бухоро ёғ экстракция» ҳиссадорлик жамиятида тайёрлана бошланди. Сўт маҳсулотлари — пишлок, сариёғ, казеин «Косон ёғ экстракция» ҳиссадорлик жамиятида, пиво «Урган ёғ» ҳиссадорлик жамиятида ва унинг филиали — Ҳазораспда, қандолат маҳсулотлари — «Сурхонозиқовқатсаноат», «Асака ёғ экстракция», Беруний «Ёғгар», «Анджон ёғ мойи», «Косон ёғ экстракция» ҳиссадорлик жамиятида тайёрланмоқда. «Турон» кўшма корхонасида оқсол олифи, «Каттакўрган ёғ мойи» ва «Урган ёғ» ҳиссадорлик жамиятида суюқ совун ва ювувчи материаллар — НАФ «Гулистон ёғ экстракция», «Қарши экстракт ёғ», «Асака ёғ экстракция», «Наманган экстракт ёғ», «Чимбой мойи», Беруний «Ёғгар», «Янгийўл ёғ мойи», «Кўхон ёғ мойи» ҳиссадорлик жамиятида ҳам ишлаб чиқарилимоқда. Бундан ташқари антифриз, термос суюқлиги, англи саноат товарлари, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилди. Барча ёғ заводалари қоидада 60 дан ортик товарлар ишлаб чиқарувчи кичик корхоналар ҳаракатга келди.

Буларнинг ҳаммасига биз тизимга хориж сармояларини кўпроқ жалб этиш йўли билан эришдик. Бу — ўрганга арзигулик ва оммалаштиришга муносиб тажриба.

■ Сўхбатдош: **НОМОЗ САЪДУЛЛАЕВ,** «Ўзбекистон овози» мухбири

бир қисми уюшма ва корхоналарнинг 1276 миллион АҚШ доллари ҳажмидаги валюта маблағлари эвазига бажарилиди.

Мутахассисларимиз харидорлар маҳсулотлар ишлаб чиқариш, пахта чигитини комплекс қайта ишлаш, чиқиндиси технологиясини ташкил қилиш, пахта чигити танқислиги пайтида ишчи жойларини қисқартирмасдан, импорт ўрнини босадиган но-анъанавий маҳсулотлар тайёрлаш устида ҳам иш олиб бораётми. Чунки, «Тошмарғёр» ҳиссадорлик жамиятининг маргарин ҳисса «Альфа-Лаваль» (Швеция) фирмаси автоматлаштирилган тизимда қўйма маргарин ишлаб чиқариб, у Американинг «Джон Браун» фирмаси ускунасида 200-250 граммлик пластик идишларга қадоқлаш яплатди. Яқиндан бошлаб, ўсимлик ёғининг янги тури — пахта ёғининг соя ёғи билан омехтаси — «Ўзбекистон ёғи» ишлаб чиқарилиди. «Янгийўл ёғ мойи» ҳиссадорлик жамиятида экологик тоза, ранги 4-5 кизил бирликли «Янгийўл» ўсимлик ёғини тайёрлаш технологиясини тадқиқотчи олимлар билан биргаликда жорий этилмоқда.

Илгари ёғни оқартириб, сифатини яхшилаш учун чет элдан оқарув турпои — бентонит олинарди. Яқиндан бошлаб эса маҳаллий ресурслардан фойдаланиб, оқарув турпоини ўзимизда — «Юсинком» (Ўзбекистон — Россия) кўшма корхона-

рин заводи қурилади.

Корхоналарга хориждан келтирилатган асбоб-ускуна ва эҳтиёт қисмларни ўзимизда тайёрлаш учун уюшманинг «Темирчи» ҳиссадорлик жамияти қўшма корхона тўзиш мўжжалланган. «Фаргона ёғ мойи» ҳиссадорлик жамиятида совун ишлаб чиқариш цехини қайта таъмирлаб, у ерда Италиянинг «Мацциони» фирмаси асбоб-ускуналари ўрнатилди. «Қарши ёғ экстракция» ҳиссадорлик жамиятида Германиянинг «СКЕТ» фирмаси асбоб-ускуналари ўрнатилиб, юқори госсипол ёғдан техник госсипол ажратиб олинди. «Янгийўл ёғ мойи» ҳиссадорлик жамиятида чет эл технологиясини асосида ёғ кислоталарини фракциялаб, ҳўжалик совунни муоамаласи олинди. Совун пишириш цехи қайта таъмирланиб, атир совун ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Тошкент шаҳрида юқори технологияли чет эл асбоб-ускуналари асосида гидромарга-

...Уюшма раиси билан бўлган сўхбатимиз ҳулосаси шу бўлдики, тармоқда инвестицион сибсат, бошқача айтганда, тармоқ иқтисодийиғи сармоялар ётқиши жадал кетмоқда. Асосий эътибор — ҳаракатдаги ишлаб чиқариш корхоналарини жиҳозлаш ҳамда юксак қўшимча қий-

мат улушини таъминловчи янги, илгор технологияларга эга корхоналар қуришга қаратилди. Ва яъни таъмирлаш ҳамда янги ишлаб чиқариш қувватларини бўлсунд этиш эвазига маҳсулот турлари кўпаймоқда. Хориждан келтирилган маҳсулотлар ўрнини босувчи товар ишлаб чиқариш рабатлантирилмоқда. Ички бозорни рақобатбардорлиги ўз маҳсулотларимиз билан тўлдирishга йўналтирилган ички сибсат ҳозирданок самара бериб, олиб борилаётган иқтисодий ислохотларни тобора чуқурлаштирмоқда. Бу — ўрганга арзигулик ва оммалаштиришга муносиб тажриба.

■ Сўхбатдош: **НОМОЗ САЪДУЛЛАЕВ,** «Ўзбекистон овози» мухбири

бардощ ёғ ва ёғ маҳсулотлари, тамаки маҳсулотлари билан тўла таъминлаш, уларни экспорт қилиш, уюшма саноатини ошириш, 2005-2010 йилгача бўлган даврда корхоналар ривожини учун инвестиция лойиҳаларини режалаштириш ишлари жадал кетмоқда. Жумладан, «Сурхон-озиковқатсаноат», Беруний «Ёғгар» ҳиссадорлик жамиятилари ва «Турон» кўшма корхонасида ўсимлик ёғини дезодорациялаш ва ПЭТ идишларига қадоқлаш тизимлари ўрнатилди. «Қарши ёғ экстракция» ҳиссадорлик жамиятида Германиянинг «СКЕТ» фирмаси асбоб-ускуналари ўрнатилиб, юқори госсипол ёғдан техник госсипол ажратиб олинди. «Янгийўл ёғ мойи» ҳиссадорлик жамиятида чет эл технологиясини асосида ёғ кислоталарини фракциялаб, ҳўжалик совунни муоамаласи олинди. Совун пишириш цехи қайта таъмирланиб, атир совун ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Тошкент шаҳрида юқори технологияли чет эл асбоб-ускуналари асосида гидромарга-

...Уюшма раиси билан бўлган сўхбатимиз ҳулосаси шу бўлдики, тармоқда инвестицион сибсат, бошқача айтганда, тармоқ иқтисодийиғи сармоялар ётқиши жадал кетмоқда. Асосий эътибор — ҳаракатдаги ишлаб чиқариш корхоналарини жиҳозлаш ҳамда юксак қўшимча қий-



...Уюшма раиси билан бўлган сўхбатимиз ҳулосаси шу бўлдики, тармоқда инвестицион сибсат, бошқача айтганда, тармоқ иқтисодийиғи сармоялар ётқиши жадал кетмоқда. Асосий эътибор — ҳаракатдаги ишлаб чиқариш корхоналарини жиҳозлаш ҳамда юксак қўшимча қий-

«КАССА.UZ» ЁКИ ЧИПТАЛАР ИНТЕРНЕТ ОРҚАЛИ

Инсон доимо гўзалликка интилади. Кўргазмалар, театр томошалари ёки концертга боришга интилади. Шундай пайтларда маданият масканига чипталарни қаердан олишни билолмаган холларимиз кўп бўлади. Билганимизда ҳам шаҳар марказидаги театр кассасига боришга тўғри келади. Бунда вақтингизни бой беришингиз ёки чипта бойқўлигидан ташвишланишингиз мумкин.

Яқинда мушкулимиз осон кечагидан бўлди. Нега десангиз, тез орада пойтахтимизда театр томошалари, концертлар, кинофильмлар, кўргазмалар, турли спорт тадбирлари учун чипталар сотувининг янги тизими иш бошлади. Унинг номи ҳам замонавий — «КАССА.UZ». Пойтахтимизнинг турли қисмларида унинг чиптахоналари очилди. Жойлашадиган ерлари ҳам жуда қулай. Олой ва Чорсу бозори, Юнусобод кўприги ёнида ва Талабалар шаҳарчасида уларнинг дастлабки тўртта нуқтаси шу кунларда очирилиши мўжжалланган. Агар тадбирлар бирон-бир сабабга кўра бекор қилинадиган бўлса, у ҳолда чипта пулнингизни қайтариб олишингиз ҳам қафолатланган. Айтгандай, яна бир янгилик. Компания Интернет тизими орқали ҳам чипталарга буюртма бериш имконияти устида иш олиб бормоқда. Гўзаллик ва санъат ошуфтлари учун бу хизмат бепул кўрсатилади. Шундай экан, бўш вақтингизни мазмунли ўтказишингиз учун барча шароитлар яратилмоқда. Яъни дам олиб, яъни хордик чиқариш.

■ Абдуғани МАМАСОДИҚОВ



«Ўздунробита» кўшма корхонаси — Мустақиллик тенгдоши. Мустақилликка эришилган — 1991 йилда Ўзбекистонда телекоммуникацияни ривожлантиришнинг янги босқичи бошланди. Айнан ўша йили Марказий Осиёда илк уяли алоқа компанияси — «Ўздунробита» кўшма корхонаси тўзилган эди. Алоқа вазирлиги ва Американинг «International Communication Group» (ICG) корпорацияси унинг таъсисчилари. Янги кўшма корхонанинг аввал бошдаги мақсади — бу мамлакат иқтисодий ривожлантиришга, Ўзбекистонда замонавий алоқа воситаларини энг янги телекоммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда жорий этиш, шу-

МУСТАҚИЛЛИК ТЕНГДОШИ

нингдек, уяли алоқа хизматларини аҳолининг кенг қатлавларига тақдим этишдан иборат эди. Эндиликда республикада компаниянинг 20 бўлими фаолият кўрсатиб, алоқанинг барча хизматлари мажмуини кўрсатаётми. Ахборотларни қайта ишлаш соҳасидаги технология янгиликларини жорий этиш ҳисобида сервис хизматининг ягона андозаси ва оперативлиги таъминланмоқда.

Мамлакатимиз аҳоли ҳудудининг салкам 90 фоизи уяли алоқа билан қамраб олинган. «Ўздунробита»нинг хизмат кўрсатиш қамрови мингдан ортик шахар ва аҳоли пунктларини ўз ичига олган. Дарвоқе, хозирга қадар уяли алоқа бўйича фақат «Ўздунробита»гина барча вилоятларни уяли алоқа билан қамраб олиш таъминлашга эриша олган.

2000 йилда телекоммуникацияни ривожлантиришдаги ютуқлари учун «Ўздунробита» кўшма корхонаси нуфузли халқаро мукофот — «Euro-Market Awards» сазовор бўлди. 2002 йилда телекоммуникация корхона GSM 900/1800 андозасида мобил алоқа хизматларини кўрсатиш учун лицензия рухсатини олди. Шундан сўнг, у Ўзбекистонда ана шу андозадаги янги шахобча қурилиши учун жаҳоннинг етакчи компанияси — «Эрикссон» ва Хитойнинг «HUA WIE TECH.INVESTMENT CO» компанияси билан битим имзоласди. Янги шахобчанинг биринчи навбати мамлакатимиз мустақиллигининг 11 йиллиги арафасида ишга тушди. Унинг хизматидан Тошкент ва Самарқанд аҳолиси фойдаланиши мумкин. Шунини айтиш керакки, GSM 1800 азия шаҳарларда, GSM 900 эса аҳоли ҳам бўлган жойларда самаралидир. Кўришиб турибдики, «Ўздунробита» кўшма корхонаси ўз миҳозларига замонавий алоқа воситаларидан фойдаланишлари учун барча қулайлик ва имкониятни яратиш йўлидан бормоқда.

■ Шаҳноза РЎЗИЕВА

«Ҳеч бир нарса мамлакатни спорт каби тезда дунёга машҳур қила олмайди». Юртбошимиз Ислам Каримовнинг бу сўзлари замирида чўқур маъно ётибди. Дарҳақиқат, истиқлол йилларида спортчиларимиз халқаро майдонларда қўлга киритган ютуқлари билан мамлакатимиз шўхратига шўхрат қўшишди. Жаҳон, Осиё чемпионатларида галаба қозongan вакилларимиз шарофига хур Ўзбекистон байроғи баланд кўтарилди, мадҳиямиз янгради. Мамлакатимизда юқори савиядаги турли мусобақалар ўтказиш ҳам анъанага айланди. Улар орасида тўққиз йилдан бери мунтазам ўтказиб келинаётган «Президент кубоги» халқаро турнири алоҳида ўрин тутди. Бу йилги турнир ҳар қачонгидан-да қизиқарли ва шид-



ЯНАДА ГЎЗАЛ, ЯНАДА ШИДДАТЛИ...

Бугун Юнусободдаги «Ўзбекистон» спорт мажмуида теннис бўйича «Президент кубоги» халқаро турнири бошланади

датли кечиши кутилмоқда. Чунки, навбатдаги бахсларда дунёнинг дەرли барча энг кучли ракеткачилари кортларга чиқишади. Улар орасида жаҳоннинг иккинчи ракеткачиси Марат Сафин, Сидней олимпиадаси чемпиони Евгений Кафельников, «Australian OPEN-2002» чемпиони, шведиялик Томас Юханссон, германиялик Томми Хаас, Райнер Шутлер, Николас Кифер, италиялик Давид Сангуинетти, словениялик Кароль Кучера, франциялик Мишель Ллодра, Седрик Пьолин, Антони Дюпоиллар бор. Бу эса кейинги йилларда АТПнинг «Устуворлиги учун» мукофотига сазовор бўлаётган «Президент кубоги» халқаро турнирининг жаҳон миқёсида нуфузи

ошиб бораётганлигидан яна бир далил бўлади. Мазкур турнир Россия ва Аргентина мамлакатлари ракеткачилари учун жиддий синов ва зифасини ўташи кутилмоқда. Негаки, шу ойнаи охирида бу икки давлат вакиллари норасмий жаҳон чемпиони ҳисобланган «Davis кубоги»нинг ярими финалида ўзаро баҳс юритишади. Шу боис, «Президент кубоги» гўзал Тошкент дунё теннис юлдузлари иштирокидаги нуфузли мусобақага мезбонлик қилади. Пойтахтимиз аҳли ва меҳмонлари эса яна гўзал ва ҳажонли уйинлардан баҳраманд бўладилар.

Ай-Си, Eurosport, НТВ+ Спорт каби телекомпания ва телеканаллари олиб кўрсатишни режалаштирган. Шунингдек, республикамиз матбуотидан ташқари Франциянинг «Ле Киб» журнали ижодий ходимлари «Президент кубоги-2002» ҳақида туркум мақолалар тайёрлаш учун Тошкентга келишади.

Ҳа, саккиз кун мобайнида гўзал Тошкент дунё теннис юлдузлари иштирокидаги нуфузли мусобақага мезбонлик қилади. Пойтахтимиз аҳли ва меҳмонлари эса яна гўзал ва ҳажонли уйинлардан баҳраманд бўладилар.

■ Эркин ХОЛБОБОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

2002 ЙИЛ — ҚАРИЯЛАРНИ ҚАДРЛАШ ЙИЛИ

ШУКРОНА УМРГУЗАРОНЛИК

Кексалар кўпинча икки дунё саодатидан баҳраманд бўлган, дея дуо қилишади. Яна табарруқ ва қомилликка эришилган бўлиши шунинг учунми, кўшгани билан кўша қари-рин, бола-чақа, қанда-анда орттириб, невараларинг а-трофинда гирён ўйнасин, дея ният қиладилар. Ўзбек-ка хос бундай ҳолислик та-баррукликдан нишонадир. Айтишадик, одам боласининг ёши саксондан сакраб, тўксон билан тўнхашганда хотираси ўзига хос тинқла-шаркан. Шунинг учунми та-хририятимизга Жиззах вило-ятдан ташриф буюрган Хай-тан ота Айтибоев бошдан ке-чирганлари ҳақида аниқ-ти-кич хикоя қилди.

— Бу дунёдан одам бола-си нимани ҳам олиб кетади дейсиз, — сўзлайди отахон. — Эқилган дарахт, қурилган иморат, ёзилган китоб, солиқ фарзандлар қоларкан. Бойси, кейинчалик булардан баҳра-манд бўлган ҳар қандай ин-сондан саваб ёғиларкан. Умр бўйи оддий ишчи бўлиб, ме-хнатда сўяқларим қотган. Ол-лоҳга шўкр — ёлғиз эдим, ўзимдан кўпайиб, тўрт ўғил, тўрт қизлик бўлдим ва ҳозир эвара-чеваралар жам бўлса, салкам юз нафар бўлиб кета-миз-ов. Инсон учун бундан-да катта бахт борми? Ҳа, яна бир гап. Илгари замонда ишлар-дигу, аммо қосамиз оқармас-ди. Хусусий мулк, бойлик ҳақида оғиз очиб бўлмасди. Мана энди невараларим дех-қон ва фермер ҳўжаликларидан

ишлаб, юртимиз фаровонли-ги йўлида тер тўкишапти. Хайтан отанинг айтишича, у киши Пайриқ туманидаги Ботмон қишлоғида дунёга келган. Замона зайли билан жамоа ҳўжаликларидан дех-қончилик қилиб, ёр хайдаб, кўп йиллар трактор рулини бошқариб, ҳалол меҳнати тўфайли элда кадр, ҳўрмат топди. Бугунги кунда у Мир-зачўл туманидаги Янгидада кўрғонидан истиқомат қил-моқда. Мўҳими, отахон кўп ва ҳўп гапирди-ю, бир оғиз ҳам ҳолимиди. Бу унинг шукрона турмуш тарзи ва ибратли умргузаронлигидан нишон эди.

■ Ниғора МИРЗАЕВА, Клопа АБДУНАЗАРОВА

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ АУКЦИОН САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

Хурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!

Кўшма корхонаси нуфузли халқаро мукофот — «Euro-Market Awards» сазовор бўлди. 2002 йилда телекоммуникация корхона GSM 900/1800 андозасида мобил алоқа хизматларини кўрсатиш учун лицензия рухсатини олди. Шундан сўнг, у Ўзбекистонда ана шу андозадаги янги шахобча қурилиши учун жаҳоннинг етакчи компанияси — «Эрикссон» ва Хитойнинг «HUA WIE TECH.INVESTMENT CO» компанияси билан битим имзоласди. Янги шахобчанинг биринчи навбати мамлакатимиз мустақиллигининг 11 йиллиги арафасида ишга тушди. Унинг хизматидан Тошкент ва Самарқанд аҳолиси фойдаланиши мумкин. Шунини айтиш керакки, GSM 1800 азия шаҳарларда, GSM 900 эса аҳоли ҳам бўлган жойларда самаралидир. Кўришиб турибдики, «Ўздунробита» кўшма корхонаси ўз миҳозларига замонавий алоқа воситаларидан фойдаланишлари учун барча қулайлик ва имкониятни яратиш йўлидан бормоқда.

1. Самарқанд шаҳри, Темирйўл тумани, Рўдакий кўчаси, 181-ўйда жойлашган Кўшма корхонаси нуфузли халқаро мукофот — «Euro-Market Awards» сазовор бўлди. 2002 йилда телекоммуникация корхона GSM 900/1800 андозасида мобил алоқа хизматларини кўрсатиш учун лицензия рухсатини олди. Шундан сўнг, у Ўзбекистонда ана шу андозадаги янги шахобча қурилиши учун жаҳоннинг етакчи компанияси — «Эрикссон» ва Хитойнинг «HUA WIE TECH.INVESTMENT CO» компанияси билан битим имзоласди. Янги шахобчанинг биринчи навбати мамлакатимиз мустақиллигининг 11 йиллиги арафасида ишга тушди. Унинг хизматидан Тошкент ва Самарқанд аҳолиси фойдаланиши мумкин. Шунини айтиш керакки, GSM 1800 азия шаҳарларда, GSM 900 эса аҳоли ҳам бўлган жойларда самаралидир. Кўришиб турибдики, «Ўздунробита» кўшма корхонаси ўз миҳозларига замонавий алоқа воситаларидан фойдаланишлари учун барча қулайлик ва имкониятни яратиш йўлидан бормоқда.

2. Самарқанд шаҳри, Темирйўл тумани, Рўдакий кўчаси, 181-ўйда жойлашган Кўшма корхонаси нуфузли халқаро мукофот — «Euro-Market Awards» сазовор бўлди. 2002 йилда телекоммуникация корхона GSM 900/1800 андозасида мобил алоқа хизматларини кўрсатиш учун лицензия рухсатини олди. Шундан сўнг, у Ўзбекистонда ана шу андозадаги янги шахобча қурилиши учун жаҳоннинг етакчи компанияси — «Эрикссон» ва Хитойнинг «HUA WIE TECH.INVESTMENT CO» компанияси билан битим имзоласди. Янги шахобчанинг биринчи навбати мамлакатимиз мустақиллигининг 11 йиллиги арафасида ишга тушди. Унинг хизматидан Тошкент ва Самарқанд аҳолиси фойдаланиши мумкин. Шунини айтиш керакки, GSM 1800 азия шаҳарларда, GSM 900 эса аҳоли ҳам бўлган жойларда самаралидир. Кўришиб турибдики, «Ўздунробита» кўшма корхонаси ўз миҳозларига замонавий алоқа воситаларидан фойдаланишлари учун барча қулайлик ва имкониятни яратиш йўлидан бормоқда.

3. Самарқанд шаҳри, Темирйўл тумани, Рўдакий кўчаси, 181-ўйда жойлашган Кўшма корхонаси нуфузли халқаро мукофот — «Euro-Market Awards» сазовор бўлди. 2002 йилда телекоммуникация корхона GSM 900/1800 андозасида мобил алоқа хизматларини кўрсатиш учун лицензия рухсатини олди. Шундан сўнг, у Ўзбекистонда ана шу андозадаги янги шахобча қурилиши учун жаҳоннинг етакчи компанияси — «Эрикссон» ва Хитойнинг «HUA WIE TECH.INVESTMENT CO» компанияси билан битим имзоласди. Янги шахобчанинг биринчи навбати мамлакатимиз мустақиллигининг 11 йиллиги арафасида ишга тушди. Унинг хизматидан Тошкент ва Самарқанд аҳолиси фойдаланиши мумкин. Шунини айтиш керакки, GSM 1800 азия шаҳарларда, GSM 900 эса аҳоли ҳам бўлган жойларда самаралидир. Кўришиб турибдики, «Ўздунробита» кўшма корхонаси ўз миҳозларига замонавий алоқа воситаларидан фойдаланишлари учун барча қулайлик ва имкониятни яратиш йўлидан бормоқда.

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИНИНГ НАВОЙЙ ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ АУКЦИОН ВА ТАНЛОВ САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

2002 йил 7, 9, 11 октябрь кунлари Навоий шаҳрида соат 15.00 да Давлат мулки кўмитасининг Навоий вилояти ҳудудий бошқармаси мажлис заллида бўлиб ўтказилган аукцион савдоларига қўйилган мулклар қўйилди: «Навоий нефть базаси»га қарашли автоуловлар:

1. ГА3-24 русумли, давлат белгиси 21 АВ 470 автомашинаси. **Бошланғич баҳоси — 266 100 сўм.**
2. ИЖ-2715 русумли, давлат белгиси 21 АВ 462 автомашинаси. **Бошланғич баҳоси — 564 600 сўм.**
Навоий шаҳар Марказий поликлиникасига қарашли автоуловлар:
1. УАЗ-366201 русумли, давлат бел-

гиси 21 АВ 795 автомашинаси. **Бошланғич баҳоси — 174 350 сўм.**
2. ВА3-21063 русумли, давлат белгиси 21 АВ 457 автомашинаси. **Бошланғич баҳоси — 195 100 сўм.**
2002 йил 7, 9, 11 октябрь кунлари Навоий шаҳрида соат 16.00 да Давлат мулки кўмитасининг Навоий вилояти ҳудудий бошқармаси мажлис заллида бўлиб ўтказилган танлов савдоларига қўйилган мулк қўйилди:

ЖАН ЛАБРИОУЭР — ФРАНЦУЗ МУТАФАККИРИ. 1645-1696 ЙИЛЛАРДА ЯШАГАН.

Худонинг йўқ эканлигини исбот қилиб бўлмаслиги мени Унинг бор эканлигига ишонтиради.
Модда қандай қилиб инсондаги фикрлаш негизи бўлиши мумкин, модомки, мазкур негизнинг ўзи инсонга айридан бўлиши мумкин...

Улкан сиёсатчи бўлишга ташна эмас кишини мен ундан юқорига қўлман, зеро, у ҳар қуни шунга имон келтирмадики, бу дунё унга қуч сарф қилишга арзирмайди.
Одамларни уларни эгаллаб туришининг ҳаёт учун тахликаси бор, бироқ, ҳаётни асрашдан умид қилса буладиган мансабларга қўйинлар: инсон шон-шухратни ҳам, ҳаётни ҳам яхши кўради.

Ҳаламслик учун ақл керак, бироқ, у кўп бўлганда одам ғаламслик ва ҳийла-найранглардан шунчалик юқори турадики, у, энди, ҳеч ҳам улар даражасига тушмайди; бундай ҳолда, у ютқун ва шон-шухратта бошқача йўллар билан боради.
Ҳаламслик учун ақл керак, бироқ, у кўп бўлганда одам ғаламслик ва ҳийла-найранглардан шунчалик юқори турадики, у, энди, ҳеч ҳам улар даражасига тушмайди; бундай ҳолда, у ютқун ва шон-шухратта бошқача йўллар билан боради.

Ҳаламслик учун ақл керак, бироқ, у кўп бўлганда одам ғаламслик ва ҳийла-найранглардан шунчалик юқори турадики, у, энди, ҳеч ҳам улар даражасига тушмайди; бундай ҳолда, у ютқун ва шон-шухратта бошқача йўллар билан боради.
Ҳаламслик учун ақл керак, бироқ, у кўп бўлганда одам ғаламслик ва ҳийла-найранглардан шунчалик юқори турадики, у, энди, ҳеч ҳам улар даражасига тушмайди; бундай ҳолда, у ютқун ва шон-шухратта бошқача йўллар билан боради.

Ҳаламслик учун ақл керак, бироқ, у кўп бўлганда одам ғаламслик ва ҳийла-найранглардан шунчалик юқори турадики, у, энди, ҳеч ҳам улар даражасига тушмайди; бундай ҳолда, у ютқун ва шон-шухратта бошқача йўллар билан боради.
Ҳаламслик учун ақл керак, бироқ, у кўп бўлганда одам ғаламслик ва ҳийла-найранглардан шунчалик юқори турадики, у, энди, ҳеч ҳам улар даражасига тушмайди; бундай ҳолда, у ютқун ва шон-шухратта бошқача йўллар билан боради.

Ҳаламслик учун ақл керак, бироқ, у кўп бўлганда одам ғаламслик ва ҳийла-найранглардан шунчалик юқори турадики, у, энди, ҳеч ҳам улар даражасига тушмайди; бундай ҳолда, у ютқун ва шон-шухратта бошқача йўллар билан боради.
Ҳаламслик учун ақл керак, бироқ, у кўп бўлганда одам ғаламслик ва ҳийла-найранглардан шунчалик юқори турадики, у, энди, ҳеч ҳам улар даражасига тушмайди; бундай ҳолда, у ютқун ва шон-шухратта бошқача йўллар билан боради.

Ҳаламслик учун ақл керак, бироқ, у кўп бўлганда одам ғаламслик ва ҳийла-найранглардан шунчалик юқори турадики, у, энди, ҳеч ҳам улар даражасига тушмайди; бундай ҳолда, у ютқун ва шон-шухратта бошқача йўллар билан боради.
Ҳаламслик учун ақл керак, бироқ, у кўп бўлганда одам ғаламслик ва ҳийла-найранглардан шунчалик юқори турадики, у, энди, ҳеч ҳам улар даражасига тушмайди; бундай ҳолда, у ютқун ва шон-шухратта бошқача йўллар билан боради.

BOSH MUHARRIR Safar OSTONOV
TAHRIR HAY'ATI
Abdulla ORIPOV
Abdulhafiz JALOLOV
Azimjon AYUPOV
Aziz NOSIROV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Norbob SHAKAROV
(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Alimqul SULTONOV
(Bosh muharrir o'rinbosari)
Andrey ORLOV
(Bosh muharrir o'rinbosari «Golos Uzbekistan»)
Nomoz SA'DULLAYEV
Rahima HAKIMOVA
Tolepbergen QAIPIBERGENOV
Farmon OMONOV
MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI
BOLIMLAR:
Siyosat, partiya va xalqaro hayot
133-44-55
Ma'naviyat va ma'rifat
136-53-70
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot
133-20-36
Parlament va huquq
136-57-20
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik
133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar
133-12-56 (Tel. Faks)
Kotibiyat
133-72-83
Reklama va e'lonlar
133-38-55, 133-47-80
133-06-83 (Tel. Faks)
VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-16-16
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-12
Samarqandda — 35-20-54
Toshkentda — 133-44-55
Urganchda — 226-51-35
Farg'onada — 26-43-62
Qarshida — 4-61-35
Termizda — 3-79-98
MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KOCHASI, 32-UY.
Navbatchi Go'chqor NORQOBIL
Gazeta «Ozbekiston ovozi»ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi Ikromjon ISMOILOV
«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxonaning manzili: Buyuk Taron ko'chasi, 41-uy.
Gazeta Ozbekiston Respublikasi Davlat Matbuot Qo'mitasi 00004-raqam bilan royxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosiladi.
Hajmi 2 bosma toboq.
«Ozbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
G — 871
uzb ovozi@sarkor.uz
Topshirish vaqti — 21.00.
Topshirildi — 22.00.
1 2 3 4 5 6
SOTUVDA ERKIN NARXDA

СЕРЖИЛО ТАФАККУР ДУРДОНАЛАРИДАН*

Ҳаламслик учун ақл керак, бироқ, у кўп бўлганда одам ғаламслик ва ҳийла-найранглардан шунчалик юқори турадики, у, энди, ҳеч ҳам улар даражасига тушмайди; бундай ҳолда, у ютқун ва шон-шухратта бошқача йўллар билан боради.
Ҳаламслик учун ақл керак, бироқ, у кўп бўлганда одам ғаламслик ва ҳийла-найранглардан шунчалик юқори турадики, у, энди, ҳеч ҳам улар даражасига тушмайди; бундай ҳолда, у ютқун ва шон-шухратта бошқача йўллар билан боради.

Ҳаламслик учун ақл керак, бироқ, у кўп бўлганда одам ғаламслик ва ҳийла-найранглардан шунчалик юқори турадики, у, энди, ҳеч ҳам улар даражасига тушмайди; бундай ҳолда, у ютқун ва шон-шухратта бошқача йўллар билан боради.
Ҳаламслик учун ақл керак, бироқ, у кўп бўлганда одам ғаламслик ва ҳийла-найранглардан шунчалик юқори турадики, у, энди, ҳеч ҳам улар даражасига тушмайди; бундай ҳолда, у ютқун ва шон-шухратта бошқача йўллар билан боради.

Ҳаламслик учун ақл керак, бироқ, у кўп бўлганда одам ғаламслик ва ҳийла-найранглардан шунчалик юқори турадики, у, энди, ҳеч ҳам улар даражасига тушмайди; бундай ҳолда, у ютқун ва шон-шухратта бошқача йўллар билан боради.
Ҳаламслик учун ақл керак, бироқ, у кўп бўлганда одам ғаламслик ва ҳийла-найранглардан шунчалик юқори турадики, у, энди, ҳеч ҳам улар даражасига тушмайди; бундай ҳолда, у ютқун ва шон-шухратта бошқача йўллар билан боради.

Ҳаламслик учун ақл керак, бироқ, у кўп бўлганда одам ғаламслик ва ҳийла-найранглардан шунчалик юқори турадики, у, энди, ҳеч ҳам улар даражасига тушмайди; бундай ҳолда, у ютқун ва шон-шухратта бошқача йўллар билан боради.
Ҳаламслик учун ақл керак, бироқ, у кўп бўлганда одам ғаламслик ва ҳийла-найранглардан шунчалик юқори турадики, у, энди, ҳеч ҳам улар даражасига тушмайди; бундай ҳолда, у ютқун ва шон-шухратта бошқача йўллар билан боради.

Ҳаламслик учун ақл керак, бироқ, у кўп бўлганда одам ғаламслик ва ҳийла-найранглардан шунчалик юқори турадики, у, энди, ҳеч ҳам улар даражасига тушмайди; бундай ҳолда, у ютқун ва шон-шухратта бошқача йўллар билан боради.
Ҳаламслик учун ақл керак, бироқ, у кўп бўлганда одам ғаламслик ва ҳийла-найранглардан шунчалик юқори турадики, у, энди, ҳеч ҳам улар даражасига тушмайди; бундай ҳолда, у ютқун ва шон-шухратта бошқача йўллар билан боради.

«ЯХШИ НИЯТ» ТЕЛЕВИЗИОН УЙ-ЖОЙ ПУЛ-БУЮМ ЛОТЕРЕЯСИ
85-ТИРАЖИДА ЮТГАН ЧИПТАЛАР РАҚАМЛАРИ ҚИСҚА ЖАДВАЛИ
Чипталар, жадвал охиридан бошлаб, халтадан чиқмаган рақамлар бўйича текширилади. Ана шундай рақамдан биронсаннинг чиптада мавжудлиги уни ютуқсизга айлантиради. Агар халтадан чиқмаган бarcha рақамлар чиптада мавжуд бўлса, унда ушбу чипта қўшимча турда ютуқли ҳисобланади. Сўнгра чипта сорисининг 1, 2, 3, 4 ва 5-турларда тўри келиши текширилади. 6-турдан бошлаб мазкур турдаги рақамнинг чиптадаги мавжудлиги текширилади.

Table with columns: Тур, Чипта рақами, Телевизор рақами, Сумма, Тур, Чипта рақами, Телевизор рақами, Сумма. Includes a summary table at the bottom.

«Яхши Ният» телевизия уй-жой пул-буюм лотереясининг 2002 йил 12 сентябрдаги 86-тиражида ўйналадиган ютуқлар:
1 тур - ҳар бир ютуқда ТЕЛЕВИЗОР
2 тур - ҳар бир ютуқда ТЕЛЕВИЗОР
3 тур - 2 хонадан уй Тошкент ш.
4 тур - NEXIA автомобил
5, 6, 7, 8, 9, 10 турларда - ҳар бир ютуқда ТЕЛЕВИЗОР

«ЯХШИ НИЯТ» телелотереяси чиптадорининг газета дўконларидан ва чипта тарқатувчилардан олиши мумкин.
«ЯХШИ НИЯТ» телелотереясининг ўйинлари ҳар ҳафтанинг пайшанба кунини соат 18.30 да УЗТВнинг 1-канал орқали намойиш этилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САКЛАШ ВАЗИРЛИГИГА ҚАРАШЛИ ТРАВМАТОЛОГИЯ ВА ОРТОПЕДИЯ ИЛМИЙ-ТЕКШИРИШ ИНСТИТУТИ
14.00.22 — «Травматология ва ортопедия» ихтисослиги бўйича клиник ординатурага (қуудуғи 5 ўрин, контракт асосида) 2002-2004 ўқув йиллари учун танлов эълон қилади.
Хужжатлар 2002 йилнинг 7 сентябрдан 7 октябргача (30 кун) илмий бўлимда қабул қилинади.
Манзилқоҳимиз: Тошкент шаҳри, Мухомонов кўчаси, 78.
Тел.: 133-72-01, 133-12-35.



Ҳайратлари бир дунё — Кўзи кўзмончок болам... Тиниқ юрtda гул, зиё Узингсан тоза олам.

ТАЪЛИМ ОЛИШ УЧУН АҚШГА

АҚШнинг Ўзбекистондаги элчихонаси 2003-2004 академия йилида АҚШ ҳукумати томонидан таълим олиш учун грантлар эълон қилди.
2003-2004 йилда 200 нафардан зиёд Ўзбекистон фуқароларига АҚШда таълим олиш имкони туғилмоқда. Таълим дастурлари ўндан зиёд турдаги грантларни тақдим этади. АҚШ олий ўқув юртида бир йил таълим олиш ва оила муҳитида яшаш, бир ёки икки йил АҚШ университетидеги талаба ва магистрантлик таълимини олиш, академик ходимлар ва профессорларга бир неча ойдан бир йил муддатча АҚШ университетидеги ўқиш ва ишлаш, давлат, тижорат, ноҳукумат институтларида сабоқ олиш ва малака ошириш учун қисқа муддатли дастурлар шулар жумласидандир.

ФУТБОЛ КЕТМА-КЕТ ЕТТИ МАҒЛУБИЯТ

Октябрь ойида Қўқонда ўзбек футболининг тўқсон йиллигига бағишланган катта спорт байрами бўлиб ўтди. Водийликлар айна пайтда бу тадбирга жиддий ҳозирлик кўришмоқда. Хусанхон Мухиддинов номидаги ўйингоҳда қайта таъмирлаш ишлари поёнига етказилди. Аммо, мавсумнинг биринчи ярмини юқори савияда ўтказган «Қўқон-1912» жамоаси иккинчи даврада барқарор ўйин намойиш этолмапти.

«Сурхон» — «Самарқанд-Д» — 2:0, «Дўстлик» — «Бухоро» — 0:1, «Насоф» — «Сўғдиёна» — 3:1, «Кизилқум» — «Машъал» — 1:1, «Металлург» — «Навбахор» — 2:1, «Андихон» — «Пахтакор» — 0:4.
22-тур ўйинлари 14 сентябрда ўтказилди.

XXI ТУРДАН КЕЙИНГИ ВАЗИЯТ

Table with columns: Ҳ, Ю, Д, М, Т-Н, О. Lists team names and their scores.

«МУЛОҚОТ» САҲИФАЛАРИДА

Ҳар қандай жамиятда ҳам барқамол инсон тарбияси — долзарб мавзу. Бу олжаноб иш айниқса, бизнинг мамлакатимизда давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Бу ҳақда «Мулоқот»нинг 4-сонида эълон қилинган Н.Турсунов, А.Эшомонов, И.Сайдуллаевлар мақолаларида атрафлича фикр юритилган. Таълим ва тарбиянинг жамиятда тутган ўрни илмий, таҳлилий кузатишларда кўрсатиб берилган. Муаллифлар И.Хасанов, О.Маматов, Қ.Муминов, А.Қурбоновлар Сурхон одамлари билан болғич тарих, барқамоллик бахти ва истеъдод эгаларининг жамиятда тутган ўрнига доир самийий фикр билдиришди. Қ.Турсунов қаламига мансуб «Таҳсинга сазовор ҳамкорлик» мақоласи Ўзбекистон ва Франция муносабатларида бағишланган. Му-

Қонун ва унинг инсон тақдирини аҳамияти ҳақидаги К.Синдроннинг мақоласи ҳам муштарийларга манзур бўлади, деган умиддамиз. Профессор Р.Шамсуддинов ва Н.Худоберларнинг «Қулоқлар сурғун» мақоласи мустабид тузумда юз берган қатогонлар ҳақида ҳикоя қилади. «Мулоқотнинг» конжур муҳлислари П.Қувондиқов, Р.Сиддиқов ва А.Сотволдиевлар мақбуллари ҳам ўрин берилган.
Йилдан-йилга муштарийлар учун азиз ва қадрили бўлиб бораётган, эл-юрт ва одамлар ташвиши билан яшаётган «Мулоқот» ижодкорлари журнали мазмундан бойитиш ва сифатли чоп этиш йўлида мунтазам изланмоқдалар.
Давлатмурод САЪДУЛЛАЕВ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САКЛАШ ВАЗИРЛИГИГА ҚАРАШЛИ ТРАВМАТОЛОГИЯ ВА ОРТОПЕДИЯ ИЛМИЙ-ТЕКШИРИШ ИНСТИТУТИ

14.00.22 — «Травматология ва ортопедия» ихтисослиги бўйича клиник ординатурага (қуудуғи 5 ўрин, контракт асосида) 2002-2004 ўқув йиллари учун танлов эълон қилади.
Хужжатлар 2002 йилнинг 7 сентябрдан 7 октябргача (30 кун) илмий бўлимда қабул қилинади.
Манзилқоҳимиз: Тошкент шаҳри, Мухомонов кўчаси, 78.
Тел.: 133-72-01, 133-12-35.

ЎЗБЕКИСТОН ХДП МК Котибияти МК аъзоси, Самарқанд шаҳар партия кенгаши биринчи котиби Шўҳрат Темировга ораси

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазириликнинг Тошкент врачлар малакасини ошириш институти ректорати, касабга уюшмаси ташкилоти, умумий терапия кафедрасининг мудири, профессор С.Д.Искандеровага ушбу йўлдош Бродар Сабиржанович ИСКАНДЕРОВнинг вафот этганини муносабати билан чўқур ҳамдардлиқ билдиради.